

## Қуръоннинг Серб тилидаги биринчи таржимаси Ал-Азҳар вакилига ҳадя қилинди



13:30 / 25.08.2021 1672

Ал-Азҳарнинг Қоҳирадаги вакили Муҳаммад ал-Давини душанба куни Ал-Азҳар исломий марказининг офисида Сербия ташқи ишлар вазири Микола Слаковични қабул қилди.

Муҳаммад ал-Давиний Сербиядаги имомлар учун Ал-Азҳарнинг мўътадилликка асосланган ўқув дастурларини ташкил этишга тайёр эканини билдирди. Ал-Азҳар Европа ва Ўзбекистонда исломнинг ҳақиқий қиёфасини тарқатиш мақсадида Европадаги мусулмонлар жамоасининг имомлари билан алоқаларни давом эттирмоқда.

Шунингдек, Сербия Ташқи ишлар вазири учрашувда Ал-Азҳар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва Сербиядаги мусулмон жамоалари билан

Ўзаро алоқада бўлишини айтди.

Ташриф якунида ал-Давини Сербия ташқи ишлар вазирига инглиз тилидаги китобни совға қилди, Сербия расмийси эса унга 19 асрдаги Қуръони Каримнинг биринчи сербча таржимасини ҳадя қилди.

***Манба: Iqna.ru***